

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВ УЧҚУН АБДУХАЛИЛОВИЧ

АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА
СЕГМЕНТАР ҲИСОБ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри–2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Огловления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Ширинов Учқун Абдухалилович

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва аудитни
такомиллаштириш..... 3

Ширинов Учқун Абдухалилович

Совершенствование сегментарного учета и аудита субъектов предоставляющие
услуги связи.....27

Shirinov Uchkun Abduxalilovich

Improving segmental accounting and auditing in the provision of communication
services 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВ УЧҚУН АБДУХАЛИЛОВИЧ

АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА
СЕГМЕНТАР ҲИСОБ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри–2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt225 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исроилов Баҳодир Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кўзиев Ислон Неъматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аликулов Абдимўмин Исмамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона Политехника Институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 кuni соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (243 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 12 кuni тарқатилди.
(2021 йил «15» 12 даги 59 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда алоқа соҳаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим “локомотиви” сифатида тан олинган. Манбаларга кўра, “Европа Кенгашига кирувчи давлатларда меҳнат унумдорлигини оширидан олинган 50 % самара алоқа ҳисобидан эришилади; интернет хизматларига инвестицияларни 10% га ошири ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни 1-2%га оширига олиб келади; 2020 йилнинг бошига дунё миқёсида 4,5 миллиарддан ортиқ одамлар интернетдан фойдаланмоқда, 3,8 миллиарддан ортиқ одамлар ижтимоий тармоққа кирмоқда, 5,19 миллиарддан ортиқ кишилар мобил телефонга эга; интернетга мурожаатларнинг 53 фоизи мобил телефонлар, 44 фоизи шахсий компьютерлар орқали амалга оширилмоқда; 64% британияликлар савдо сотиқларни мобил алоқа орқали онлайн режимида амалга оширадилар”¹. Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, бугунги кунда дунёда алоқа хизматларининг сегментар ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида мобил алоқаси, интернет хизматлари, экспресс-почта ва бошқа ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш, ушбу хизматларга ихтисослашган субъектларда корпоратив бошқарувни, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро миқёсда тан олинган усул ва услублар, шунингдек юксак технологиялар ва стандартлар асосида такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишларга катта эътибор қаратилган. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида алоқа хизматлари ҳисобининг концептуал асослари, тушумлар ва харажатларни босқичлар асосида тан олиш, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришни такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришилган. Аммо, алоқа хизматлари ҳисоби, уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш борасида дунё миқёсида тўпланган илғор тажрибалар, амалдаги халқаро стандартларни соҳа субъектларида кенг жорий этиш, шунингдек мазкур соҳа субъектларида ички сегментар ҳисоб, ҳисобот ва ички сегментар аудит масалалари аксарият мамлакатларда тўлиқ ўз ечимини топган эмас.

Янги Ўзбекистонда “хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”²дек устувор вазифа қўйилган. Ушбу устувор вазифани мувоффақиятли бажарилиши алоқа соҳаси субъектларида бухгалтерия

¹ИКТ-компетенции как фактор социально-экономического развития России / Под ред. Ю. Е. Хохлова, С. Б. Шапошника. М.: Институт развития информационного общества, 2012. - 74 с.; Услуги в современной экономике. М.: ИМЭМО РАН, 2010. 42 с.; ICTDataandStatistics. InternationalTelecommunicationUnion [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.itu.int/ITU-D/ict/statistics/>; UnctadStat – StatisticalDatabase [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://unctadstat.unctad.org/ReportFolders/reportFolders.aspx>; <https://www.web-canape.ru/business/internet-2020-globalnaya-statistika-i-trendy/>

²Республикаими Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон қарори билан тасдиқланган

ҳисоби ва аудитнинг предметини ташкил қилувчи барча турдаги алоқа хизматлари, уларга доир даромадлар, сарф-харажатлар, солиқ тўловлари, ҳисоб-китобларва молиявий ҳисоботнинг бошқа элементларини таснифлаш, тавсифлаш, тан олиш, баҳолаш, ўлчаш ҳамда улар ҳисоби ва аудитинияхлит тарзда, шунингдек сегментлар кесимида халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни, жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган мобил алоқа хизматлари бўйича ҳисоб-китобларни биллинг, роуминг ва ҳисобнинг компьютерлаштирилган тизимлари асосида такомиллаштириш бўйича тўпланган илғор илмий-техник ютуқлар ва тажрибаларни мамлакатимизда кенг тадбиқ этиш йўллари чукур тадқиқ этишни объектив зарурат қилиб кўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда шу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алоқа хизматларини ривожлантиришнинг илмий-методологик, юридик, техник-технологик ва ташкилий жиҳатлари, шунингдек уларнинг бухгалтерия ҳисоби, сегментар ҳисоб масалалари турли хорижий ва республикамиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, мазкур муаммолар хорижлик олимларидан П.П.Воробиев, К.А.Забродская, Р.С.Ибрагимов, В.А.Вайпан, С.Р.Гладких, Т.Н.Скорикова, З.С.Туякова, Т.В.Черемушникова, Т.А.Кузовкова³ ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Олимлар ўз ишларида алоқа хизматлари ҳуқуқий масалалари, инфокоммуникацион хизматлар,

³П.П. Воробиев. Инфокоммуникации: термины и определения. Восточно-Европейский журнал передовых технологий. 2011. № 6/2, с.4-6; К.А. Забродская, . Инфокоммуникационные услуги: сущность, особенности, классификация. Вестник связи. 2013, № 5, с.27-31; Р.С. Ибрагимов, В.А. Вайпан, С.Р. Гладких. Перспективы правового регулирования отношений в сфере инфокоммуникационных услуг. Право и экономика. 2010. № 3, с.4-12; Т. Н. Скорикова Гражданско-правовое регулирование отношений по оказанию услуг сотовой связи: Дис... канд. юрид. наук: — Томск, 2006. — С. 134, Туякова З.С., Черемушникова Т.В. Организация бюджетирования по бизнес-процессам в управленческом учете телекоммуникационных компаний // Международный бухгалтерский учет. 2013. № 41. С. 10–20; Т.А.Кузовкова. Экономические аспекты конвергентного развития инфокоммуникаций / Т.А. Кузовкова // Электросвязь. 2009. № 2. С. 16–19.

радиотелефон алоқаси хизматлари ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик масалалари ёритилган.

Республикамиз таниқли иқтисодчи олимлари ҳисобланган Н.Б.Абдусаломова, А.З.Авлоқулов, К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дўсмуратов, Н.А.Ибрагимов, И.Н.Исманов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, М.Б.Калонов, Д.К.Кудбиев, К.К.Низаматдинов, Б.Ш.Махкамов, С.У.Меҳмонов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, А.Ж.Туйчиев, С.Н.Ташназаров, К.Б.Уразов, И.Н.Қўзиев, К.Р.Ҳотамов⁴лар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва чоп этилган ишлар диққатга моликдир.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, алоқа соҳасига кирувчи субъектлар фаолияти бухгалтерия ҳисоби, сегментар ҳисоб ва аудиторлик текширувлари масалалари етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Улар даврий адабиётларда ҳам етарлича ёритилмаган. Соҳага кирувчи субъектларда юритилаётган ҳисоб сиёсати ва амалга оширилаётган аудиторлик текширувларини ўрганиш ушбу борада ўз ечимини кутаётган турли назарий ва методологик муаммоларнинг борлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат мазкур мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис

⁴Н.Б.Абдусаломова. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.: ТМИ, 2019.; А.З.Авлоқулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.Т.: 2019.71-б.; К.Б.Ахмеджанов. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Т.: 2016. 42-б.; Р.Д.Дустмуратов Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиятини такомиллаштириш. Дис...икт.фан.д-ри. БМА.Т.2008.; Н.А.Ибрагимов. Информационные технологии бухгалтерского учета многоотраслевых объектов : диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.13. - Москва, 1996. - 323 с.; И.Н.Исманов. Узок муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2009 й.; А.А.Каримов. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Н.Ф.Каримов Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиятини такомиллаштириш муаммолари: Дис. автореф. ... икт. фан. д-ри. – Т.: 2007.; М.Б. Колонов. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.: ТМИ, 2019; Д.К.Кудбиев. Проблемы анализа использования основных фондов в кооперативной торговле. Монография.-Т.: “Ўзбекистан”, 1990.-128 с.; К.К.Низаматдинов. Радиотелефон алоқаси хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. Юрид. фан. номз. дисс... — Тошкент: 2010. 13-б; Б.Ш.Махкамов. Ўзбекистонда уяли алоқа хизматларини ривожлантириш. Монография. – Т.: Фан ва технология,2016; С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Дис...икт.фан б д-ри. -Т.: ТМИ, 2018.; М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Иқтисод-Молия”. 2019 й. -538 б.; А.Ж.Туйчиев. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. – Тошкент. 2011. 71-б.; С.Н.Ташназаров. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш: иқтисод фан.док... дисс. автореф. – Т., 2019; К.Б.Уразов, Ё.Ж.Исроилов. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт,2011.-260 б.; И.Н.Қўзиев. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.; К.Р.Ҳотамов. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Монография. –Т: Молия, 2016.-168 б.;

институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Мамлакатни модернизациялаш ва инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризми ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва аудитни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

алоқа хизматларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит объектлари сифатидаги тавсифи ва таснифини такомиллаштириш;

алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар ва харажатлар ҳамда телекоммуникация боғламалари ўртасидаги сегментар ҳисоб-китобларнинг услубий тартибини таклиф этиш;

алоқа хизматларига ихтисослашган субъектларда телекоммуникация боғламалар ўртасидаги сегментар ҳисоботнинг янги такомиллашган шакллари ишлаб чиқиш;

алоқа хизматларига ихтисослашган субъектларни ички сегментар аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий дастаклари ва услубиятини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамізда алоқа соҳасида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” АК ва унинг таркибига кирувчи корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобланади..

Тадқиқотнинг предмети алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва аудитни такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик ёндашув, дедукция, индукция, анализ, синтез, гуруҳлаш, танлаб текшириш, таққослаш, математик қурилмалар, экспертиза ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳисоб сиёсатига 9000 - “Асосий фаолиятнинг даромадлари”ни ҳисобга олувчи ишчи счёт таркибида бош офис, филиаллар ва телекоммуникацион боғламалари даромадларини юритиш учун тўрт даражали иерархик счётлар тизими таклиф этилган;

бош офисда ягона ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш натижасида алоқа хизматлари субъектлари филиаллари ва боғламаларининг банк хизматлари харажатлари миқдорини 40 фоизгача камайтириш асосланган;

ҳисоб сиёсатига мижозлар тўғрисидаги маълумотларни тан олиш ва улардан узлуксиз фойдаланиш тартибларини киритиш асосида мижозлар билан ҳисоб-китоблар, даромадлар ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобини юритишнинг аниқлиги ва тезкорлигини оширишга эришилган;

алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоботларнинг жавобгарлик марказлари бўйича кун, ой ва йиллар кесимида акс эттириш шакллари ҳамда уларни ички аудиторлик текширувидан ўтказишнинг тартиблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар бош офиси ва филиаллари даромадлари ҳисобини юритиш учун счётлар таркиби ишлаб чиқилган;

алоқа хизматлари субъектлари филиаллари ва боғламалари ўртасида ягона ҳисоб-китоб тизимини киритиш орқали банк харажатларини 1,5 млрд. сўм камайтиришга эришилган;

алоқа хизматлари субъектларида “Биллинг” ва “1С-Бухгалтерия” автоматлаштирилган тизимларини интеграциялашувини таъминлаш асосида мижозлар билан ҳисоб-китоблар, даромадлар ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисоби такомиллаштиришга хизмат қилган;

алоқа хизматлари субъектлари фаолиятининг ички аудиторлик текширувидан ўтказишнинг янги модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, “Ўзбектелеком” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларни алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва аудитини такомиллаштиришга оид илмий-назарий ҳамда методологик муаммолар бўйича янада чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан алоқа субъектларида ҳисоб юритиш сиёсатини такомиллаштиришда, ички аудит самарадорлигини оширишда, тармоқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини янада мукамаллаштиришда шунингдек ОТМларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанлари, чунончи “Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби” ва “Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолияти аудити” фанларини илмий ҳамда назарий жиҳатдан ривожлантиришга манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва аудитни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ҳисоб сиёсатига 9000 - “Асосий фаолиятнинг даромадлари”ни ҳисобга олувчи ишчи счёт таркибида бош офис, филиаллар ва телекоммуникацион боғламалари даромадларини юритиш учун тўрт даражали иерархик счётлар тизимини киритиш орқали ахборотлар қамровини кенгайтириш борасидаги таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг ҳисоб сиёсатига киритилган (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 4 майдаги 27-03-08/1972-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар корxonанинг ҳисоб сиёсатига жорий этилиши даромадлар ҳисобини бош офис, филиаллар ва боғламаларнинг даромад гуруҳлари ва турлари кесимида аниқ ҳисоблашга ва маълумотлар шаффофлигини оширишга хизмат қилган;

алоқа хизматлари субъектлари филиаллари ва боғламалари ўртасида ягона ҳисоб-китоб тизимини киритиш орқали банк харажатларини камайтиришга қаратилган тавсиялари “Ўзбектелеком” АКнинг ҳисоб сиёсатига жорий этилган (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 4 майдаги 27-03-08/1972-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг “Ўзбектелеком” АК филиаллари ва боғламалари ўртасида бўладиган тўловлар бўйича ҳисоб китобларга жорий қилиниши натижасида корхонанинг банк харажатларини 40 % камайтиришга эришилган;

ҳисоб сиёсатига мижозлар тўғрисидаги маълумотларни тан олиш ва улардан узлуксиз фойдаланиш тартибларини киритишга қаратилган таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг ҳисоб сиёсатига жорий этилган (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 4 майдаги 27-03-08/1972-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни жорий этилиш натижасида биллинг тизимларида шаклланган даромадлар, мижозлар билан ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш аниқлиги ва тезкорлигини ошишига имкон берган;

алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоботларнинг жавобгарлик марказлари бўйича кун, ой ва йиллар кесимида акс эттириш шакллари ҳамда уларни ички аудиторлик текширувидан ўтказишнинг янги услубий жиҳатлари “Ўзбектелеком” АК фаолиятининг ҳисоб сиёсатига ва ички аудит тўғрисидаги низомига жорий этилган (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 4 майдаги 27-03-08/1972-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияларни жорий этилиш натижасида ички назоратнинг самарадорлигининг ошиши, сегментар ҳисоботлари маълумотлари асосида қабул қилинаётган бошқарув қарорлари ўз вақтидалиги ва сифатининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Алоқа хизматлари субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг илмий-назарий масалалари» деб номланган биринчи бобда алоқа хизматларининг моҳияти, аҳамияти, хусусиятлари, ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг таснифий жиҳатлари ва хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, ушбу бобда сегментар ҳисоб ва ҳисоботга заруратлар ҳамда уларга оид илмий-назарий қарашлар, сегментар аудитнинг концептуал масалалари тадқиқ этилган.

Ахборотларга бўлган эҳтиёжни қондириш ҳар қандай кишилиқ жамиятида алоқа хизматлари соҳасини изчил ривожлантиришни тақоза этади. Мамлакатимизда алоқа соҳаси субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар турлари ва уларнинг ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт сари дадил қадам билан республикаимизда алоқа соҳаси инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда алоқа соҳаси инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатини ифodalовчи кўрсаткичлар⁵

⁵<https://mitc.uz/uz/pages/communication>

Республикамизда алоқа хизмати турларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши 2017-2018 йилларда 2016 йилга нисбатан ошган, бироқ охириги 2019 йилда унинг улуши 2016 йилга нисбатан 11,6 %га пасайган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида алоқа хизматлари миқдор кўрсаткичлари ва уларнинг ўсиш даражаси⁶

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
1.	Жами хизматлар (млрд. сўм)	86739,1	101961,9	129507,0	165053,2	218853,5
	Шу жумладан:					
2.	Алоқа хизматлари (млрд.сўм)	4419,3	5649,6	7004,7	7440,1	12885,9
3.	Алоқа хизматларининг жами хизматлардаги улуши, %	5,10	5,54	5,41	4,51	5,89

Республикамизда кўрсатилаётган алоқа хизматлари таркибида юксак рақамли технологияларга асосланган мобил алоқаси ва интернет хизматларининг улуши юқоридир (2-жадвал).

2-жадвал

Кўрсатилаётган алоқа хизматларидан олинган тушумлар структураси (% да)⁷

Алоқа хизматлари турлари	Йиллар				
	2016	2017	2018	2019	2020
Жами алоқа хизматлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шундан:					
Почта алоқаси хизматлари	1,1	0,9	0,8	1,0	1,01
Телеграф хизматлари	0,02	0,02	0,01	0,00	0,00
Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари хизматлари	0,8	0,6	0,3	0,2	0,3
Шаҳар ва қишлоқ телефон алоқалари хизматлари	1,5	1,3	1,1	1,3	1,2
Мобил алоқа хизматлари	70,9	67,6	66,7	59,9	58,4
Интернет хизматлари	25,2	28,2	29,8	36,3	37,99
Телевизион дастурлар	0,5	1,4	1,3	1,3	1,1
Алоқа хизматларининг бошқа турлар	0,0	0,0	0,001	0,0003	0,0003

Республикамизда алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит субъектлари сифатидаги хусусиятларидан бири бўлиб уларнинг монополлашганлиги ҳисобланади. Чунончи, республикамизда барча почта хизматлари “Ўзбекистон почтаси” АЖ, мобил алоқа хизматлари эса “Ўзбектелеком” АК томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу акциядорлик жамиятлари ва компаниялари республикамизнинг барча

⁶<https://www.stat.uz/uz/> сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

⁷<https://www.stat.uz/uz/> сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

вилоятлари ва туманлари кесимларида ўзларининг филиаллари ва боғламаларига эга. Почта алоқаси хизматлари бўйича ягона миллий оператор бўлган “Ўзбекистон почтаси” АЖ ўз таркибида 14 та худудий филиал, 153 та район ва шаҳар боғламалари, 13 та ишлаб чиқариш участкалари, 1820 та алоқа бўлимлари, шу жумладан 1320 та қишлоқ ва 2 та ҳаракатланувчи почта алоқаси бўлими, шунингдек 1 та “Халқаро почта”нинг ихтисослашган филиалига эга.

Худди шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ўз таркибида 21 та филиалга ва 130 га яқин боғламаларга эгадир.

Алоқа хизматларига ихтисослашган миллий операторларимиз йирик тадбиркорлик субъектлари сирасига киради. Уларда ҳисоб ва ҳисобот миллий стандартлар асосида юритилади, шунингдек 2015 йилдан бери улар молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар талабларига мос келувчи молиявий ҳисобот шаклларига трансформация қилинмоқда. Ҳар иккала миллий операторлар мажбурий аудит текшируви субъектлари сирасига киради, уларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари аудиторлик текширувлари халқаро сертификатларга эга бўлган аудитори бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган субъектлар сифатида алоқа хизматларини кўрсатувчи “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Ўзбектелеком” АКда 2006 йилдан бўён мажбурий ички аудит хизматлари йўлга қўйилган.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи миллий компаниялар фаолиятининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, уларда юз берадиган операцияларнинг аксарият қисми филиаллар ва боғламаларга тўғри келади. Чунки барча асосий ҳисоб китоблар ва хизматлар кўрсатиш айнан филиаллар ва боғламалар орқали амалга оширилади.

Бу эса филиаллар ва боғламаларда рўй бераётган операцияларни назорат қилиш ва уларни бошқаришни талаб қилади. Бунинг учун эса филиаллар ва боғламаларда сегментар ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни тузиш, шунингдек уларда сегментар аудитни олиб бориш катта зарурат ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз натижасида, **сегмент (лотинча segmentum)**нинг бир бўлак, яхлит нарсанинг бир қисми эканлигидан келиб чиқиб, сегментар ҳисоб, сегментар ҳисобот ва ички сегментар аудитга қуйидагича такомиллашган таърифлар берилди:

***сегментар ҳисоб** деганда иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичларини турли ўлчов бирликларида миқдор жиҳатдан ўлчаш ва сифат жиҳатдан тавсифлашга мўлжалланган ички ҳисобдир.

***сегментар ҳисобот** деганда яхлит иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичлари бўйича тузиладиган ҳисобот тушунилади.

***сегментар аудит** деганда ички ва ташқи аудитнинг яхлит иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари,

харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичларини текширишга қаратилган таркибий қисмидир.

Халқаро молиявий ҳисоб ва ҳисобот амалиётида сегментар ҳисоботнинг турлари, таркиби, уни тузиш ва тақдим этиш тартиблари махсус 8-сон МҲХС “Операцион сегмент” да белгиланган. Бундан ташқари ривожланган мамлакатлар алоҳида сегментлар ҳисоби ва ҳисоботи бўйича стандартлар, низомлар ва қоидалар мавжуд. Чунончи, Россия Федерациясида 12/2000-сонли БҲС “Сегментлар ҳақида маълумот”⁸, АҚШда 131-сонли МҲСБ “Бизнес сегментлари ва тегишли маълумотларни ошкор этиш”, Хитой Ҳалқ Республикасида 35-сон “Сегмент бўйича ҳисобот”⁹. Мамлакатимизда эса бошқарув сегментар ҳисоботининг турлари, таркиби, уни тузиш ва тақдим этиш тартиблари эса махсус меъёрий ҳужжатлар билан белгиланмаган.

Бошқарув ҳисобида яхлит иқтисодий бирлик ҳисобланган корxonанинг таркибий қисмлари сифатида унинг жавобгарлик марказлари, масалан, таъминот бўлими, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, сотиш бўлими, савдо шаҳобчалари ёки марказлари (уйлари), турли бошқа хизмат кўрсатувчи бўлинмалари қаралади. Яхлит бизнеснинг таркибий қисмлари сирасига асосий фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият, ижтимоий фаолият кабилар киради. Мос равишда, бизнестан олинган даромаднинг ўзи алоҳида фаолият турларидан, шу жумладан, одатий фаолият, янги инновацион фаолият, тугатилаётган фаолиятдан олинган даромад, ички бозор ва экспорт фаолиятидан олинган даромад, алоҳида товарларни сотишдан олинган даромад кабилардан ташкил топади. Бошқарув учун ҳар бир фаолиятнинг, махсулот турининг харажатлилиги, фойдалилиги ўта муҳим ҳисобланади.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи корxonалар аудиторлик текширувини ўтказишнинг мақсади – корxона фаолиятини тўғри ташкил этилганлиги, уларда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилаётганлигини аниқлашдан иборат. Шунингдек, ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини, бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш лозим. Ушбу мақсадга муомалалар моҳиятини, ҳамда назорат тузилмасини ва бухгалтерия ҳисоби тизимини текширувдан ўтказиш ва рискларни баҳолаш орқали эришилади.

Аудиторлик сегментлари сифатида хўжалик операциялари даврларини танлаш ташкилот фаолиятининг хусусиятлари, бухгалтерия ҳисоби тизими ва фойдаланилган ҳужжатлар айланиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Шунинг учун, умумий ёндашувга қарамай, даврий ёндашувда аудитнинг сегментацияси ҳар бир текширилаётган субъект учун индивидуал бўлади.

Сегментар аудитнинг мақсади бухгалтерия ҳисоботларининг сегментлар бўйича ишончлилиги ва тўғрилигини текширишдан иборат.

⁸Приказ Минфина РФ от 27 января 2000 г. N 11 н "Об утверждении Положения по бухгалтерскому учету "Информация по сегментам" ПБУ 12/2000" Система ГАРАНТ: <http://base.garant.ru/12119083/#ixzz6hKyMVwsw>

⁹https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-981-10-0006-5_39

Сегментар аудитнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин: хўжалик юритувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва ҳисоботни шакллантиришнинг умумий методологиясини ўрганиш ва баҳолаш; рискларни (наrx, сиёсий, кредит, валюта ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда ажратилган сегментларни рўйхатини аниқлаш; сегментлар бўйича ҳисоботларни тўғрилигини текшириш; ички назорат тизимини баҳолаш; сегментар ҳисоб бўйича аудиторлик далилларини йиғиш; сегментлар бўйича маълумотларни тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш; ҳисобот бериладиган сегментлар бўйича маълумотларни тақдим этиш усулларини ўрганиш; молиявий ҳисоботларда сегмент маълумотларини тақдим этиш ва ошқор қилишнинг тўғрилигини ва тўлиқлигини текшириш.

Диссертациянинг “**Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш**” деб номланган иккинчи бобда алоқа хизматларидан олинadиган даромадларни тан олиш, баҳолаш ҳамда улар сегментар ҳисоби ва ҳисоботини боғламалар кесимида юритиш тартиблари, шунингдек алоқа хизматлари субъектларида биллинг ва 1С Бухгалтерия тизимларини интеграциялаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Алоқа субъектларининг бошқа субъектлардан фарқли жиҳатлари шундаки, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларидан олинadиган даромадларни яхлит тартибда ҳисоб-китоб қилиб бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, кўрсатилаётган хизмат турларининг ҳар бири бўйича даромадни аниқлашга асос бўлувчи база, бир бирлик хизмат учун белгиланган сотиш баҳоси (тариф), гувоҳлик берувчи ҳужжат ва бошқа мезонлар бўйича бир-биридан фарқланади. Шунингдек, даромад муҳим сегмент сифатида алоқа субъектларининг барча филиаллари, боғламалари фаолиятининг бош кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бош офисда даромадларнинг сегментар ҳисобини тўғри юритилиши ва улар бўйича сегментар ҳисоботнинг тўғри тузилиши корхонанинг жами даромадида ҳар бир филиал ва боғламанинг ўрнига тўғри баҳо бериш имконини беради. Ишимизда, айнан ушбу хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда қуйидагилар тавсия этилди.

Биринчидан, алоқа субъектларида даромадлар ҳисобини бош офис, филиаллар, боғламалар, даромад гуруҳлари ва турлари кесимида сегментар ҳисобини юритиш учун 9000 “Асосий фаолиятнинг даромадлари” синтетик счётининг қуйидаги 4 даражали иерархик таркибини белгилаш тавсия этилди (3-жадвал).

Иккинчидан, алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда филиаллар ва боғламаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки, барча асосий ҳисоб китоблар ва хизматлар кўрсатиш айнан филиаллар ва боғламаларнинг асосий вазифасига киради. Алоқа хизматларини кўрсатувчи асосий бош корхона ўзининг филиаллари ва боғламалари учун алоҳида низомлар ишлаб чиқади ва улар ушбу низомлар орқали ўз фаолиятларини юритишади.

Мижозлардан терминаллар ва пул кўчириш йўли билан тўловларни қабул қилишда ҳам бир қанча муаммоли вазиятлар мавжуд. Жумладан, филиалга хизмат кўрсатувчи банклар барча туманларда мавжуд эмас. Бу эса ҳар бир банк операция учун қўшимча маблағларнинг сарфланишига олиб келмоқда. Филиал ҳисобига ўтказиш учун сарфланган вақт ва меҳнат сарфи бу соҳада ҳам ҳисоб-китобларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

3-жадвал

Алоқа субъектларида 9000 “Асосий фаолиятнинг даромадлари” синтетик счётининг тавсия этилаётган иерархик тузилиши¹⁰

Т/р	Счётлар мақоми ва даражаси	Сегментлар				
		Бош офис	Филиаллар	Боғламалар	Даромад гуруҳлари	Даромад турлари
1	1- даражали синтетик счёт	9000	Счёт маълумоти корхона бўйича ва “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни 010-сатрини тўлдиришга асос бўлади			
2	2- даражали синтетик счёт		9001-9030	Счётлар “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни 010-сатрида кўрсатилган маълумотни филиаллар кесимида тафсилотини очиб беради		
3	3- даражали синтетик счёт			900101-900110, 903001-903010	Счётлар филиаллар даромадини унинг гуруҳлари кесимида тафсилотини очиб беради	
4	4- даражали синтетик счёт				90010101-90010120, 90300101-90300120	Счётлар филиаллар алоҳида гуруҳга ажратилган даромадини уларнинг турлари кесимида тафсилотини очиб беради

Биз тадқиқотимиз натижасида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар филиаллари ва боғламаларининг ҳисоб тизимидаги боғлиқликларини ишлаб чиқдик ва ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини беришни таклиф қилдик (4-жадвал).

¹⁰Муаллиф ишланмаси

4-жадвал

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар филиаллари ва боғламаларининг ҳисоб тизимидаги бухгалтерия ўтказмалари

T/P	Операциялар мазмуни	Эски тизим	Янги тизим	Афзалликлар
1	Нақд пул тушумини акс эттириш	1. Нақд пул мижоздан қабул қилинганда Дт 5010Кт 6310 2. Кассадан ҳисоб китоб счётига топширилганда Дт 5110 Кт 5010 3. Боғламанинг ҳисоб-китоб счётидан филиалнинг ҳисоб-китоб счётига ўтказилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5110 (Боғлама) 4. Банк хизмати учун Дт 9430Кт 5110	1. Нақд пул мижоздан қабул қилинганда Дт 5010Кт 6310 2. Кассадан филиалнинг транзит счётига топширилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5010	1. Боғлама бухгалтериясида кўшимча тўлов топширикномаси шакллантирилмайди. Бунда вақт ва қоғознинг ортиқчи сарфи олди олинади. 2. Боғлама банк хизмати учун тўловни амалга оширмайди. 3. Нақд пул тушуми ўша куниёқ филиал ҳисоб рақамида акс эттирилади.
2	Тўлов терминаллари бўйича операциялар	1. Пластик карта орқали тўлов қабул қилинганда Дт 5710 Кт 6310 2. Терминал ҳисоб рақамидан асосий ҳисоб рақамига ўтказилганда Дт 5110Кт 5710 3. Боғламанинг ҳисоб-китоб счётидан филиалнинг ҳисоб-китоб счётига ўтказилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5110 (Боғлама) 4. Банк хизмати учун Дт 9430Кт 5110	Ҳар бир тумандаги боғламага филиалга хизмат қилувчи банкнинг терминалларини ўрнатади 1. Филиал пластик карта орқали тўлов қабул қилинганда қуйидаги ўтказмани беради Дт 5710 Кт 6310	1. Терминал орқали тўлов пули ўша куниёқ филиал ҳисоб рақамида акс эттирилади. 2. Боғлама банк хизмати учун тўловни амалга оширмайди. Бунда корхонада ортиқча харажатни олди олинади.
3	Пул ўтказиш йўли билан бўладиган ҳисоб китоблар	1. Пул ўтказиш йўли билан тўлов қабул қилинганда Дт 5110Кт 6310 2. Боғламанинг ҳисоб-китоб счётидан филиалнинг ҳисоб-китоб счётига ўтказилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5110 (Боғлама) 3. Банк хизмати учун Дт 9430Кт 5110	Мижозлар билан филиал ўртасида шартнома тузилади ва барча тўловлар тўғридан-тўғри филиалнинг асосий ҳисоб рақамига тушади. 1. Филиал пул ўтказиш йўли орқали тўлов қабул қилинганда қуйидаги ўтказмани беради Дт 5110Кт 6310	1. Пул ўтказиш йўли орқали тушган тўлов пули ўша куниёқ филиал ҳисоб рақамида акс эттирилади. 2. Боғлама банк хизмати учун тўловни амалга оширмайди. Бунда корхонада ортиқча харажатни олди олинади.
4	Ходимларга иш ҳақларининг берилиши	1. Филиал боғламага хизмат қилувчи банкдаги ҳисоб рақамига ойлик иш ҳақларини ўтказди. Дт 5110 (Боғлама) Кт 5110 (Филиал) 2. Банк хизмати учун Дт 9430Кт 5110 3. Боғлама ходимлари пластик карталарига иш ҳақларини ўтказди Дт 5540Кт 5110 4. Банк хизмати учун Дт 9430Кт 5110	Филиал ҳар бир боғлама ходими учун ўз банкдан пластик карталар очади ва иш ҳақларини ўтказди. Дт 5540 Кт 5110	1. Боғлама банк хизмати учун тўловни амалга оширмайди. Бунда корхонада ортиқча харажатни олди олинади. 2. Ходимлар иш ҳақларини ўз вақтида олишади.

Юқоридаги таклифлар “Ўзбектелеком” АК филиаллари ва улар боғламаларида ҳисоб тизимини янада яхшилашга ва компания сарф харажатларини тежашга, бухгалтерия иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади (5-жадвал).

5-жадвал

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали ва боғламаларининг ҳисоб тизимидаги сарф харажатлар таҳлили¹¹

(минг сўмда)

Т/Р	Операция мазмуни	Аввалги тизим (2019 йил январ ойида)	Таклиф қилинаётган тизим (2019 йил апрель ойида)	Фарқ
1	Ҳисоб рақамга тушган маблағ	1 662 642	2 164 568	501 926
2	Банк хизмати	15 305	10 925	-4 379
3	Банк хизматининг тушумдаги улуши (%)да	0,92	0,5	-0,42

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалида аввалги тизимда банк хизмати 15 305 минг сўм бўлган бўлса, янги тизимда эса банк хизмати харажатлари 10 925 минг сўмни ташкил этди.

6-жадвал

Аввалги тизим ва таклиф қилинаётган тизимда банк хизмати харажатининг қисқаришининг таҳлили¹²

(минг сўмда)

Т/Р	Операция мазмуни	Аввалги тизим	Таклиф қилинаётган тизим	Харажат қисқариши
1	Самарқанд филиалининг март ойи тушуми бўйича банк хизмати	19 914	10 925	8 989
2	Компания филиалларининг март ойи тушуми бўйича банк хизмати (ўртача)	280 000	154 000	126 000
3	Компания филиалларининг йиллик тушуми бўйича банк хизмати (ўртача)	3 360 000	1 848 000	1 512 000


Учинчидан, алоқа хизматларидан олинadиган даромадлар ҳисоб-китоблари ва ҳисоби бўйича автоматлаштирилган тизимларини интеграциялашувини таъминлаш зарур. Бу айниқса, телефон алоқа хизматларида кенг қўлланиладиган биллинг тизимлари ва 1С Бухгалтерия ахборот дастурий таъминотларга тегишлидир. Айнан биллинг тизимлари телефон алоқа хизматларини амалга ошириш, кўп сонли мижозлар (абонентлар) билан юзага келадиган молиявий муносабатлар, улар билан

¹¹<https://uztelecom.uz/>

¹² <https://uztelecom.uz/>

индивидуал ҳисоб-китобларни бошқариш ҳамда назорат қилиш имконини беради. Телефон хизматларини амалга ошириш ва бошқаришни юқори технологиялар сирасига кирувчи биллинг тизимлари асосида амалга ошириш бухгалтерия ҳисобини юритишда, чунончи алоқа хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини олиб боришда юқори самара беради.

